ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00216

ЖАРҚЎТОН ЁДГОРЛИГИДА ДИНИЙ ҚАРАШЛАР

Дилафрўз Обиджоновна Каримова
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
ЎзРФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Шимолий Бақтрия бронза даври деҳқон жамоаларида диний эътиқоднинг шаклланиши ҳақида сўз боради. Бронза даври деҳқон жамоаларида диний эътиқоднинг турли кўринишлари: оддий буюмга, ҳайвонларга (тотем), оловга сиғиниш ва илк зардуштийлик эътиқодини ҳам кўришимиз мумкин. Бу диний эътиқодларни таҳил қилишда археологик изланишлар натижаларидан кенг фойдаланилади.

Калит сўзлар: зардуштийлик, диний эътиқод, бронза даври, деҳқончилик маданияти, олов, антропологик тип, қиёфа, чорвачилик.

RELIGIOUS VIEWS ON JARKUTAN MONUMENT

Dilafruz Obidjonovna Karimova
Doctor of Philosophy on Historical Sciences
Academy of Sciences of Republic of Uzbekistan State Museum of History of Uzbekistan

ABSTRACT

In this article described peasant households, imaginations, and different relation of Nothern Baktria. This relation described simple things and totemizm (animals) till zoorastrizm relation. Discuss of this relation motions use archeological researches in this area.

Keywords: zoorastrism, religious beliefs, Bronze Age, agricultural culture, fire, appearance, cattle breeding

КИРИШ

Ибтидоий жамият тарихини даврлаштиришда палеолит даврининг ўрта босқичида вужудга кела бошлаган илк диний тасаввурлар мезолит, неолит ва энеолит босқичларига келиб одамларнинг диний тасаввур ҳақидаги қарашлари кенгаяди. Булар уруғ жамоаларининг кичик-кичик жамоавий тармоқларга, жамоавий гуруҳларга бўлиниши билан боғлиқ жараёнлар бўлиб, бу жараёнлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00216

давомида ҳар бир жамоа гуруҳининг ўзига хос фазилатлари шаклланиб борган. Ҳар бир жамоавий гуруҳ маълум бир ҳайвонни ўзларининг тотеми сифатида улуғлайдилар. Бундай тотемистик диний тасаввурлар фанда зоолатрик тотемлар, яъни ўзбекона иборада уруғ жамоасининг "лақаби" сифатида ҳаётий анъанага айланган. Бундай культлар диннинг норасмий, марказлашмаган кўринишларидан бири бўлиб, тарихий шакл-шамойилига кўра, оилавий ёки уруғ культлари ва қабила культларидан иборат бўлган. Улар энеолит ва бронза даврига тегишли тош мунчоқлар ва туморларда, оилавий, жамоавий муҳрларда ўз аксини топган ва бизгача етиб келган **(1-расм)**. Бундай диний қарашларнинг айрим кўринишлари халқ орасида ҳозиргача сақланиб қолган. Масалан, ёш боланинг қўлига, бош кийимига кўзмунчоқ, кийимларига тумор тақиб қўйилади-ки, булар болани турли хил зиёндан, назардан асрайди, – дейилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.

Ибтидоий диний қарашларнинг кўриниши сифатида намоён бўладиган аждодлар руҳига сиғиниш алоҳида диний қараш сифатида, фанда ўз исботини топган. У тарихий тараққиётнинг илк патриархал уруғчилик босқичига хосдир. "Оламдан ўтган ота-боболар ва уруғ бошлиқларининг руҳи авлодларни бало-қазолардан асрайди", деган тушунча, ушбу диний қарашнинг мазмунини ташкил этган.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги бронза даври ҳақида бизга кўплаб маълумотлар бериб келаётган Жарқўтон ёдгорлигида аждодлар руҳига ибодат қилиш каби диний тасаввурларнинг мавжудлиги исботланди. Жарқўтоннинг арк ҳудудидан патриархал оилага тегишли 9 хонали уй тўлиқ очилиб, уйнинг икки томонида шағал тош тўшалган йўлак жойлашган. Ушбу уйнинг девори, поллари ва тош йўлаклар тагидан Жарқўтон даврига оид 7 та қабр ўрганилган. Тош йўлакнинг ёнида алоҳида қурилган хона бўлиб, хона ичида унинг марказий қисмида супа жойлашган. Тадқиқотчилар бу хона патриархал оиланинг ибодат қиладиган хонаси бўлганлигини таъкидлайдилар. Ушбу хонадан эркак кишининг бош ва бўйин қисмидан иборат бўлган ҳайкали ва ҳомиладор аёлнинг лойдан ясалган ҳайкалчаси топилган.

Эркак кишининг бош қисми ҳайкали жуда яхши сақланган бўлиб, унинг соч-сақоллари қора рангда тасвирланган. Юз яноқлари, бурни, бўйни қизил рангда бўлиб, бурни қирра бурун, оғзи очиқ ҳолатда, қулоқлари шалпанг қулоқ тарзда ифодаланган. Кўзлари эса юмилган ҳолатда тасвирланган бўлиб, бу ўлган одамнинг ҳайкали бўлиши мумкин **(2-расм)**. Бундан ташқари бу ҳайкал

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00216

бронза даври аҳолисининг антропологик қиёфаси тўғрисида ҳам маълумот беради.

Аёл кишига тегишли ҳайкалда эса **(3-расм)**, унинг қорни думалоқ, ҳомиласига ишора қилиш учун қорин қисми бўрттириб ишланган. Сақланиб қолган икки қўли эса, қорни устига қўйилган ҳолатда, қўллари билан қорни ўртасида иккита илоннинг ҳаракатланиб бораётганлиги ифодаланган. Қорин ва қўлларининг ҳар-ҳар жойи қизил бўёқ билан бўялган. Қорин қисмида 2 та эмбрион кўринишидаги лой массаси ҳам мавжуд. Хомиладор аёл ҳайкалининг айрим жойлари қизил рангга бўялиши ва илон тасвирининг туширилиши нариги дунёга ишора ҳисобланади. Маълумки, мифологияда қизил ранг қонни, илон эса ер ости илоҳиётидан далолат беради. Бу қабрга хомиладор аёл дафн этилган бўлиши мумкин. Бундай ҳайкал, Сополлитепа қабрларида ҳам учратилади **(4-расм)**. Ўлган одамнинг ҳайкали ва аждодлар руҳининг ҳомиладор аёлни, у дунёга келтириши кутилаётган чақалоқни бало-қазолардан сақлаши, яъни аждодлар руҳига сиғинишнинг моддий маданиятда кузатилишидир.

НАТИЖАЛАР

Эътиқод кўриниши сифатида Сополли маданиятида оловга сиғиниш ҳам асосий ўринда турган. Оловнинг бир кўриниши сифатида алтарни айтиб ўтиш жоиз. Сополли маданияти ёдгорликларида олиб борилган археологик изланишлар натижасида жами 12 та алтар топилган, улар тузилишига кўра, икки турга ажратилади. Булар – доира шаклидаги алтарлар ва квадрат шаклдаги алтарлардир.

Доира шаклидаги алтарлар илк маротаба Ўрта Осиё ҳудудида энеолит ва бронза даврларидан бошлаб кенг миқёсда тарқалиши кузатилади. Бундай алтарлар Саразм маданиятининг энеолит даврига тегишли қурилиш қатламида, Жанубий Туркманистоннинг энеолит даври ёдгорлиги ҳисобланган Геоксюр 1, 7 ёдгорлигида, Жанубий Тожикистон ҳудудидаги сўнгги бронза даврига оид Илк Тулхор қабристонида кузатилади.

Иккинчи турдаги алтарлар тўртбурчак тарзда бўлиб, улар кенг ҳудудда тарқалмаган. Бундай алтарлар Жарқўтон ёдгорлигида иккита топилганлиги ҳам унинг кенг миқёсни эгалламаглигидан далолат беради.

Кейинги йилларда Сополли маданиятида олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида алтарлар **(5-расм)** ва икки камерали ўчоқларни жойлашишига қараб, Сополли маданиятининг илк босқичларида улар оилавий оловга сиғиниш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00216

ўчоғи бўлганлиги эътироф этилмоқда. Шу каби эътиқоднинг кўз илғамас кўринишлари Кўзали ва Мўлали босқичларида марказлашган ибодатхона пайдо бўлиши билан ҳам бутунлай йўқ бўлиб кетмаган. Ибодатхонада одамлар жамоа бўлиб оловга сиғиниш ва шу билан боғлиқ кўпчилик томонидан бажариладиган турли диний удумлар, маросимларни бажарган бўлса, ҳар бир патриархал оилада ўзларининг махсус оилавий сиғиниш алтарлари ҳам мавжуд бўлган.

Жарқўтон ибодатхонасидаги хоналарнинг бирида кул сақланадиган ўра борлиги аниқланган. Оловни ҳосил қилиш мураккаб жараён бўлганлиги сабабли, қадимда одамлар оловни ўчоқларда ўчирмасдан сақлашга ҳаракат қилганлар. Тадқиқотчилар бу ўраларни муқаддас оловда ёнгандан кейинги чўғларни эрталабгача ўчирмасдан сақлаш учун мўлжалланган махсус жой бўлганлигини айтиб ўтганлар. Чўғ ҳам оловнинг бир қисми бўлганлиги сабабли, бу билан оловнинг мангулигини, ўчмаслигини таъминлаган бўлиши мумкин. Ўраларнинг усти ҳаво кирмайдиган даражада ёпилган ва чўғ эрталабгача ўчмасдан сақланган. Бу ёдгорликда изланиш олиб борган Т.Ширинов ушбу чўғ ташишга мослашган идишни қўлга олиб юришга қулайлигини ҳисобга олиб, кўчма алтарлар деб атайди. Жарқўтон ибодатхонасидан алтарларнинг топилиши олов инсоният ҳаётида, турмуш-тарзида, эътиқодида нақадар муҳим ўрин эгаллаганлигидан далолатдир. Олов нафақат қадим замонларда, балки ҳозир ҳам инсоният ҳаётида муҳим ўринга эгалигини ҳисобга олсак, унинг ҳамиша жамият учун, инсоният учун керакли манба эканлигини эътироф этиш жоиз.

Кейинги йилларда Жарқўтон ёдгорлигида олиб борган изланишларда марказлашаётган ягона дин шароитида унга қадар бўлган диний тасаввурларнинг сарқитлари беихтиёр намоён бўлиши кузатилди. Бундай диний қарашлардан бири зоолатрик диний қарашлардир.

Бронза даврига келиб, уруғ жамоасининг манфаати йўлида жонбозлик кўрсатганлар, уддабурон тадбиркорларнинг кўпайиши туфайли жамоа аъзолари орасида табақаланиш юз бера бошлайди. Натижада, ўз мулкига ва бошқарув мавқеига эга жамоа аъзолари ўзаро манфаатдорликлари йўлида, бошқалар устидан бошқарув ҳуқуқини қўлга ола бошлайдилар. Бу жараён табиийки, жамиятнинг мафкуравий қарашларида ҳам ўз аксини топади. Уларнинг диний қарашларида оташпарастлик юқори ўринда бўлиб, диний-мафкуравий сиёсат уларнинг манфаатига хизмат қила бошлайди. Шундай шароитда, оддий халқ тотемларга (кўпроқ ҳайвон культлари) эътибор қаратадилар.

Тадқиқотларга кўра, культларнинг келиб чиқиш илдизи бир неча турларга

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00216

бўлинади. Булар – қуёш (олов) культлари, сув культлари, ҳайвон, парранда, ўсимлик ва турли жониворлар культларидан иборат. Қадимги Бақтрия ва Марғиёна маданиятларида тотемистик культларнинг асосини жониворлар – илон, бургут, қурт-қумурсқалар, йиртқич ҳайвонлар ва дарахтлар ташкил этган. Бронза даври бу жониворларнинг тотемистик культлар сифатида диний маъно касб этишининг сўнгги босқичи бўлган. Сўнгги бронза даврига келиб, аста-секин йўқ бўлиб кета бошлайди. Унинг асосий сабабларидан бири шуки, бронза даврига келиб, деҳқончилик жамоаларида суғорма деҳқончиликнинг роли ортиб, ундан келадиган даромад хўжаликда асосий ўринни эгаллайди. Бронза даври деҳқон жамоалари орасида деҳқончиликдан келадиган мўмай даромаднинг асосий манбаи қуёш, ер, сув эканлигини англагач, аста-секинлик билан турли хил тотемистик культлар, яъни зоолатрик диний қарашлар ўрнини табиатнинг тўрт унсури қуёш, ер, сув ва ҳаво эгаллайди. Табиатнинг бу тўрт унсурини улуғлаш, уларни ифлос қилмаслик каби тушунчалар кишилар онгида, тасаввурида мустаҳкам ўрин эгаллаганки, айнан шу омиллар халқимиз ҳаётида қадимдан бугунги кунимизгача етиб келган. Бронза даврининг сўнгги босқичларидан бошлаб, уларга атаб ибадатхоналар қургилан, турли хил маросимлар, байрамлар уюштириб келганлар. Бунинг натижасида деҳқончилик жамоалари тасаввурида ҳар бир нарсанинг ибтидоси ва инъикоси қуёш билан боғлиқ деган ҳаётий тушунча шаклланди. Шу тариқа одамларнинг диний тасаввурида оташпарастлик дини вужудга келган.

Оташпарастлик дини пайдо бўлгач, аввалги тотемистик диний қарашлар энди кишиларни ёмон кўзлардан асровчи тотем сифатида туморларда акс эта бошлади. Шу билан бирга, маълум бир бошқарув ҳуқуқига эга бўлган қабила оқсоқолларининг муҳрларида ҳам намоён бўла бошлайди.

Зоолатрик диний характердаги ҳайвонлардан бири икки ўркачли Бақтрия туясидир**.** Бронза даврига тегишли Марғиёна ва Шарқий Эрон ҳудудларидаги ёдгорликларда туя тасвири ифодаланган муҳр ва терракота ҳайкалчалар кўплаб топилган. Қолаверса, Андранова маданиятида мил.авв. XV-XIII асрларда икки ўркачли туя тарқалганлиги аниқланган. Бизга маълумки, туя ҳайвонлар орасида иссиққа ва сувсизликка энг чидамли ҳайвон ҳисобланади. Шу боисдан қадимдан бир мамлакатдан, бошқа бир узоқ мамлакатларга сафарга отланганда, ҳайвонлар орасидан айниқса икки ўркачли туя савдо карвонлари учун асосий юк ташувчи транспорт воситаси саналган. Бундан кўриниб турибдики, икки ўркачли туя бронза даври қабилалари учун ҳам асосий транспорт воситаси вазифасини ўтаган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00216

Жарқўтондан топилган бир муҳрда бир томонида икки ўркачли туя, иккинчи томонида эса, одам шаклининг минг йилликлар давомида асл кўринишини йўқотган акси ўз ифодасини топган **(6-расм)**. Агар ушбу муҳр таҳлили билан боғлиқ фаразларимиз тўғри бўлса, унда нафақат туянинг зоолатрик характер касб этганлигини, балки зардуштийлик динини илк бор, авестошунос олима Мери Бойс таъкидлаганидек, сўнгги бронза даври билан боғлаш имконини беради. Илк зардуштийлик пайдо бўлган ҳудуд сифатида эса, Суғдиёна ва Марғиёна билан бир қаторда Бақтрия ҳам турганини айтиш имконини беради.

МУҲОКАМА

Лекин, кўплаб бу ҳудудда тадқиқот ишларини олиб бораётган олимлар у ердан топилган ибодатхоналарни оташпарастлар ибодатхонаси, деб талқин этадилар. Тўғалоқ, Даштли, Жарқўтон ибодатхоналаридан топилган ашёвий далиллар, бу ибодатхоналарни бевосита илк зардуштийлик ибодатхонаси билан боғлиқ бўлганлигига ишора қилади. Аслида, зардуштийлик ҳам оташпарастликнинг заминида пайдо бўлиб, Зардушт томонидан дин ислоҳ қилинганлиги инобатга олинса, демак, уларнинг келиб чиқиши, илк босқичлари ҳам оташпарастлик дини ва унга эътиқод қилиш кучли бўлган ҳудудларда, оташпарастлар сиғинадиган мафкуравий марказлар бор жойда пайдо бўлиши ҳақиқатга яқиндир. Бундай мафкуравий марказлар эса, Қадимги Бақтрия ҳудудидан етарлича топилган.


Шундай қилиб, бронза даври деҳқон жамоалари тасаввурида ўз даврига мос тарзда диний тушинчалар ва қарашлар мавжуд бўлган. Қадим даврдан бошлаб, бободеҳқонларимиз томонидан улуғланиб, нишонланиб келинаётган байрамлар сирасига, бугунги кунда ҳам халқимизда кенг нишонланадиган, табиатнинг уйғониши сифатида ифодаланадиган, Наврўз байрамини айтиш мумкин. Бу байрам уруғни ерга экиш билан яхши нийятлар қилиб, экилган ёки экилаётган экиндан мўл ҳосил олишни тилаб нишонланган. Буни қарангки, аждодларимиз ўша даврдан ушбу кунда кун билан туннинг тенглашишини билган бўлсалар. Бу уларнинг фалакиёт илмидан ҳам хабардор бўлганликларидан далолатдир. Бунга ажаблансама ҳам бўлади. Ўрта асрлар даврида бу заминдан Ал Бухорий, Ал Беруний, Ибн Сино, Ал Хоразмий, Ат-Тармизий каби турли соҳа билимларини ўзларида мужассамлаштирган, дунё илм-фан равнақига ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшган алломалар етишган экан, қадимдан бу замин аҳолиси табиатдаги ўзгаришларга бефарқ

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00216

бўлмасликлари табиий ҳол сифатида қабул қилса ҳам бўлади. Фақат бизда аждодларимиз яшаган қадимги давр ҳақида ёзма манбаларнинг йўқлиги, уларнинг қай даражада тафаккур соҳиби бўлганликларини фақатгина улар қолдирган моддий маданият ёдгорликларини синчковлик билан ўрганиш натижасида аниқлаш ва тиклаш мумкин.

ХУЛОСА

Эътиқод инсонларни бирлаштириб, уларнинг ҳаётини тўғри йўлга қўйишида, турмуш кечиришларида муҳим ўринга эга. Эътиқоднинг кўриниши қандай бўлишидан қатъий назар, у фақат инсонларни яхшилик қилишга, ҳаёт қийинчиликларига сабрли бўлишга, келажакка ишонч билан қарашга чорлайди. Бронза даври деҳқон жамоаларининг диний эътиқоди ҳам оддийлик билан мураккаблик орасида, яъни уларда оддий айрим буюмлар, тумор, ҳайвон культларига эътиқод қилишдан то йирик диний эътиқод объектлари, оташпарастлик ва илк зардуштийлик ибодатхоналари даражасигача бўлган йўлни босиб ўтади. Бу эса, инсонларни диний эътиқодга муносабати, ишончи кучли бўлганлигидан, эътиқодсиз ҳеч бир даврда мустаҳкам ҳаёт қуриб бўлмаслигидан далолатдир.




1-расм. Сополлитепадан топилган уруғ-жамоаси муҳри (А.Асқаров, 1977 й)




2-расм. Бронза даври одамининг ҳайкали. (Ш. Шайдуллаев, 2002 й)

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00216



3-расм. Жарқўтон. Хомиладор аёл ҳайкали (Ш. Шайдуллаев, 2002 й)




4-расм. Сополлитепа. № 71- кенотаф қабрдан чиққан хомиладор аёл ҳайкалчаси (А. Асқаров, 1977 й)



5-расм. Сополлитепадан топилган алтар (А. Асқаров архивидан, 1974 й)

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00216



6-расм. Жарқўтондан топилган муҳр (А. Асқаров, 1977 й)

REFERENCES

1. Аскаров А., Ширинов Т Древнебактрийский храм огня // – Т., 1989; Ширинов Т. Алтари огня из храма Джаркутан – памятника эпохи развитой бронзы // ИМКУ, – Вып. 23. – Ташкент, Фан. 1990. – С. 70-78.
2. Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. О некоторых группах культовой керамики Джаркутана // ИМКУ. – Ташкент, Фан. 1991. Вып. 25. – С. 44-46.
3. Бойс М. Зороасртийцы: верования и обычаи. –М., 1987. – С.10.
4. Исаков А. Саразм – новый раннеземледельческий памятник Средней Азии // СА, – №6, 1986. – С. 152-167.
5. Кузмина Е.Е. Древнейшая фигурка верблюда из Оренбургской области и проблема домастикации бактрианов // СА. 1963. №2. –С.39.
6. Мандельштам А.М. Памятники эпохи бронзы в Южном Таджикистане. МИА, № 145, Ленинград, 1968. – С. 8-60, 125-129.
7. Раҳимов К.А. Сополли маданияти ёдгорликларида олов билан боғлиқ қурилмалар ва ошхона идишлари типологияси // т.ф.н. дис... – Самарқанд, 2011. – Б. 108-111.
8. Сарианиди В.А. Памятники позднего энеолита юго-восточной Туркмении // Археология СССР. САИ. Б. 3-8. Част 4. М., 1965, – С. 87-89.
9. Сарианиди В.И. Протозороастрийский храм в Маргиане и проблема возникновения зороастризма // ВДИ. – М.: 1989. №1. –С.152.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00216

10. Токаров С.А. Ранние формы религии. –М., Наука, 1990. – С. 255.
11. Шайдуллаев Ш.Б., Дитрих Хуфф, Рахимов К. «Жарқўтон - 2002» // Археологические исследования в Узбекистане 2002 год. – С. 202-204.
12. Шайдуллаев Ш. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бақтрия мисолида). Т.ф.д. дис. автореф. – Самарқанд, 2009. – С. 25.
13. Эсанов М. “Авесто” жамиятининг археологик материалларда акс этиши (Қадимги Бақтрия ва Марғиёнанинг бронза даври моддий маданият ёдгорликлари мисолида). Т.ф.н. дис. Т; 2007. - Б- 76.